

TARIX VA JAMIYAT

HISTORY AND SOCIETY
ИСТОРИЯ И ОБЩЕСТВО
общественный электронный
ЖУРНАЛ

—
JOURNAL
2022

№3

Бош муҳаррир:

Пардаев А.Ҳ. ЖДПИ, тарих факультети декани, т.ф.н. доцент.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ақчаев Ф.Ш. ЖДПИ, тарих факультети, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент.

Масъул котиблар:

Саидов Ж.О. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Хўжанова М. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Таҳририят аъзолари:

1. Сагдуллаев А.С. – тарих фанлари доктори, Академик,
2. Аҳмедшина Ф.А. – тарих фанлари доктори, профессор,
3. Шодмонова С.Б. – тарих фанлари доктори, профессор,
4. Очилова Б.М. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
5. Чориев С. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
6. Туленова Г. Ж. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
7. Пардаев М.Ҳ. – тарих фанлари доктори, доцент,
8. Ғойибов Б.С. – тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
9. Ярмагов Р. – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент,
10. Саидқосимов А.И. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент,
11. Амануллаев А. – ф.ф.б. фан доктори (PhD), доцент,
12. Тошбоев Ф.Э. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
13. Миркомиллов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент,
14. Саидов М. – фалсафа фанлари номзоди, доцент,
15. Ғофуров Ж. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
16. Ҳошимхонов М.Х. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент
17. Валиев А.Х. – катта ўқитувчи,
18. Мажидов А.С. – катта ўқитувчи,
19. Каримова Н. – ўқитувчи,

Тарих ва Жамият илмий журнали
ЎЗБЕКИСТОНДА 1920-ЙИЛЛАРДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА
СПОРТ МАСАЛАЛАРИНИНГ ДАВРИЙ МАТБУОТ СУРАТЛАРИДА
АКС ЭТИШИ

Д.Т.Эшбекова – ЖДПИ,

Тарих ва уни ўқитиш методикаси ўқитувчиси

У.О. Кулбердиев – ЖДПИ,

Тарих факултети 3-босқич талабаси

Резюме: Мақолада “Қизил Ўзбекистон” газетаси суратларида Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг қандай масалалари ҳамда муаммолари ўз ифодасини топганлиги, вақтли нашрнинг бу борадаги ахборот-тарғибот хизмати ҳақида маълумотлар келтирилади. Бу маълумотлар газетанинг 1920-йиллар сонларида чоп этилган визуал тасвирларни тизимлаштириш, бир қатор мақола ҳамда хабарларни ўрганиш асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Даврий матбуот, визуал тасвирий воситалар, спорт, жисмоний тарбия, тарғибот, ахборот, расм, фотосурат.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши масалалари республика даврий матбуот нашрларида ўз ифодасини топиб борди. Жумладан, “Қизил Ўзбекистон” газетаси суратларида республикамизда 1920-йилларда аҳолини жисмоний тарбия ва спорт турлари билан таништириш, жисмоний тарбияни омма орасида тарғиб этиш, ўтказилган спорт мусобақаларини, уларнинг ғолибларини намойиш этиш жаарёнларини кузатиш мумкин. Шунингдек, даврий матбуот суратлари воситасида бу йилларда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мавжуд бўлган муаммо ва қийинчиликлар ҳақидаги маълумотларга ҳам эга бўлиш мумкин. Бу маълумотларни даврий нашрлардаги мавзуга оид мақолаларни ўрганиш билан янада ойдинлаштириш мумкин.

Тарих ва Жамият илмий журнали

“Қизил Ўзбекистон” газетасидаги жисмоний тарбия ва спортга оид илк суратлар шахматга оид эди. Газетанинг 1925 йил 28 май сонисида “Шатранж - шахмат” рукни остида берилган хабарда газетада бундан буён шатранж бўлими бериб борилиши, шу сабабдан идора шатранжчилардан бу бўлимга жойлардан шатранж ишларининг ривожини, яъни, жойларда шатранж тўғараклари, уларнинг ҳайъати, уста ўйинчиларнинг номлари, ўйин-мусобақалар натижалари тўғрисида, шатранж ўйинларига оид турли саволлар юбориб туришларини сўраган. Бу рукни ташкил этишдан мақсад ўзбек шатранж тўғараклари ва шатранжчиларини Ўзбекистон шатранж шўъбасига тўплаш, яна бутун Европада қабул қилинган ўйин усулларига ўтиш ва шу йўл билан бутун дунё шатранжчиларининг оиласига қўшилишдир дейилади хабарда. Шундан сўнг шатранж ўйини усуллари шахмат тахтаси ва унда шахмат доналари юришларини кўрсатиб бориш билан суратли тушунтирилган¹. Газетада 1925-1926 йилларда спорт турларидан фақат шахмат мавзуси суратли тарзда бериб берилган бўлса, 1927-1928 йилларда спорт мавзуси кенгайиб, спорт турларидан югуриш², сакраш³, кураш⁴,

¹ “Қизил Ўзбекистон” 1925 йил 28 май № 136, 2 бет. “Шатранж - шахмат” мақоласи.

² “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 15 июн № 132 (746), 3 бет. “Спорт - югуриш”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 22 июн №140 (1042) 5-бет. Қуйида: “Чопишқа тайёрлик”.

³ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 23 ноябр № 267 (871), 3 бет. Қуйида: “Ёзги спорт мавсимида спортчилардан Зоҳорува ғовдан сакрайди”.

⁴ “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 24 июл №167 (1069) 5-бет. Юқорида: “Бутун Ўзбекистон иккинчи спартакиядаси”. Қуйида: “Бутун Ўзбекистон 2 нчи спартакиядасига қотношқон фарғоналик курашчи полвонлар”.

Тарих ва Жамият илмий журнали

футбол⁵, сув спорти⁶, от⁷, велосипед⁸, мотоцикл⁹ пойгаси, чангида учиш¹⁰ кабилар, ёзги¹¹, қишки¹² спорт мавсумлари, СССРда¹³, хорижий мамлакатларда¹⁴ спорт турлари, хотин-қизлар спорти¹⁵, халқаро¹⁶, иттифоқ¹⁷,

⁵ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 23 май № 114 (728), 3 бет. “Футбол ўйини”. “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 1 июл № 151 (765), 1 бет. Юқорида: “Шўролар иттифоқида”. “Тепкич араваларда футбол ўйини” (велосипедларда). Қуйида: “Бу ўйин ҳозир бизда жуда тараккий қилғон. Чет элларда ҳам физкултурада бу ўйинга катта аҳамият бера бошладилар”.

⁶ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 10 май № 103 (717), 4 бет. “Қўллар қайиқ эшгагига!” мақоласи. (Эшкак эшиш спортдан лавҳалар). “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 7 август № 177 (791), 3 бет. “Сув спурти. Расмда қайиқ пойгаси”. “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 15 август № 184 (798), 4 бет. “Сув спурти”.

⁷ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 30 декабр № 298 (902), 5 бет. Қуйида: “Маскав пойгасида биринчиликни олди”. (От устида чавандоз сурати).

⁸ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 23 ноябр № 267 (871), 4 бет. Қуйида: “Тогонрук шаҳарида тепкич аравачилар пойгасида қатнашқонларнинг бир тўдаси”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 27 август №196 (1098), 1-бет. Қуйида: “Спартакияда велосипед чопишлари”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 19 июн №163 (1065), 1-бет. Юқорида: “Тепкич аравалар пойгасида”. Қуйида: “Маскавда тепкич аравалар пойгаси бўлиб ўтти. Расмда пойгада қатнашқон тепкич аравалардан бирини қарайдулар”.

⁹ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 22 декабр № 292 (896), 1 бет. Қуйида: “Маскавда мотоциклистлар пойгаси”. “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 26 июн № 141 (755), 4 бет. Қуйида: “Маскавда ўт тепкич аравалар (мотоцикллар) пойгаси”.

¹⁰ “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 30 март №73 (975) 6-бет. Юқорида: “Қиш қахрамонлари”. Қуйида: “Маскавда қишқи спуртнинг сўнгги чанги мусобақасида биринчиликни олғонлар”. (Чангиларда учаётган бир нечта спортчилар суратлари). “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 3 апрел №76 (978) 5-бет. Қуйида: “Қишқи спуртнинг сўнгги кунларида чанги ёриши (Ленинград)”.

¹¹ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 16 октябр № 237 (841), 4 бет. Қуйида: “Маскавда ёзги спурт мавсими тамом бўлғонда югириш мусобақасида”. “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 23 ноябр № 267 (871), 3 бет. Қуйида: “Ёзги спурт мавсимида спуртчилардан Зоҳорува ғовдан сакрайди”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 12 июн №131 (1033) 6-бет. Юқорида: “Ёзги спурт”. Қуйида: “Маскав тепкич аравачиларининг кўруғи”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 26 апрел №94 (996), 4 бет. Юқорида: “Ёзги испурт мавсими очилди”. Қуйида: “Тошканд физкултурачиларини табрик қилғали кеган вакиллар: ўнг томондан қизил спуртчилар байналмилалининг вакили ўртоқ Райсинер Германия фрунтавиклар вакили ўртоқ Мивлилар”.

¹² “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 28 апрел № 94 (708), 4 бет. Юқорида: “Физкултура”. Қуйида: “Ғарбда қор устида спурт қилғучилар қанот кийиб ўра ва жарлардан кўркмай учиб ўтадилар. Пастдаги бурчакда қанот кўрсатилган”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 19 апрел №88 (990), 1-бет. Қуйида: “Маскавда қиш кунларида”.

¹³ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 3 июн № 124 (738) 3 бет. Қуйида: “Маскав бадан тарбия мактабини битириб чиққан инструкторлар”.

¹⁴ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 18 июл № 160 (774), 1 бет. Юқорида: “Чет эл ишчилари орасида”. Қуйида: “Франция ишчилари орасида физкултура”. Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 1 ноябр № 251 (855), 4 бет. Юқорида: “Мағрибдан-машриқдан. Спуртчининг ҳалокати”.

¹⁵ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 13 май № 106 (720), 4 бет. Юқорида: “Чопингиз, югурингиз!”. Қуйида: “Маскавда ишчи хотин-қизлари физкултурада”.

¹⁶ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 2 декабр № 275 (879), 1 бет. Қуйида: “Копобланка”. “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 15 декабр № 286 (890), 3 бет. Юқорида: “Сўнгги ўйин”. Қуйида: “Копобланкани чемпионлик номидан маҳрум қилғон сўнгги шахмат ўйини. Сўлда: янги чемпион Оливхин. Ўнгда Копобланка”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 10 апрел №82 (984) 6 бет. Юқорида: “Қиш спурти”. (Чанги учаётган спортчи). Қуйида: “Нурвегияда чанги (лиж) спуртида биринчиликни олғон шўро спуртчиси Додуниф чанги билан тоғдан сакрайди”. “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 25 август № 193 (807), 2 бет. Юқорида: “Спурт”. Қуйида: “Германияга бориб енгиб қайтқон шўро спуртчилари”.

¹⁷ “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 29 феврал №50 (952), 1-бет. Юқорида: “Ўртоқ Мелникин”. Қуйида: “Маскавда бўлғон иттифоқ физкултура байрамида тепкич ўюнида биринчиликни олди”.

Тарих ва Жамият илмий журнали

минтақа¹⁸ миқёсидаги, маҳаллий¹⁹, хорижий мамлакатлар²⁰ спорт усталари, шунингдек, Ўзбекистонда, иттифоқ миқёсида²¹ ва хорижда²² бўлиб ўтган спорт мусобақалари, спорт учрашувлари²³, байрамлар²⁴, жумладан, Тошкент округ олимпиадаси²⁵, 1928 йилда ўтказилган II Бутунўзбек спартакиадаси²⁶, Ўрта Осиё пойгалари²⁷, тўғараклар²⁸, спорт билан шуғулланишнинг аҳамияти

¹⁸ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 10 июл № 153 (767) 6-бет. Юқорида: “Ўрта Осиё чемпиони ўртоқ Рудниф”.

¹⁹ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 1 май № 96 (710), 4 бет. “Шоҳмот” мақоласи. “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 22 июн № 138 (752), 4 бет. Юқорида: “Ўрта Осиё шахмат мусобақаси” мақоласи. Суратда “Ўртоқ Сайдхонф”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 25 июл №168 (1070), 3-бет. Юқорида: “Ўзбекистон 2 нчи спартакиядаси” мақоласи (очерк). Сурат тагида: “Бутун Ўзбекистон 2 нчи спартакиядасида чопкирликда биринчиликни олган Самарқандлик Кунашбоеф чапда”.

²⁰ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 13 сентябр № 209 (813), 3 бет. Қуйида: “Иттифоқ сув спуртида қатнашқон Нурвич ишчилари: Гуринович ва Туринсин”.

²¹ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 11 октябр № 233 (837), 1 бет. Қуйида: “Иттифоқ шахмат мусобақасидан бир кўриниш”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 2 март №52 (954), 1-бет. Юқорида: “Қишки спуртчилар”. Қуйида: “Яқинда Маскавда иттифоқ қишки спуртчиларининг мусобақаси бўлиб ўтти. Расмда шу мусобақага узоқ шимолдан келган физкультурчилар”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 20 август №190 (1092), 1-бет. Юқорида: “Спартакиада”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 22 август №192 (1094) -бет. Қуйида: “Спартакиадада”. (Закавказье ва Украиналилар ўртасида футбол ўйини). “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 27 август №196 (1098), 1-бет. Қуйида: “Ўртоқ Енукидза спартакиада вакиллари қабул қилади”.

²² “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 19 август № 188 (802), 2 бет. Қуйида: “Германияда ишчи спуртчилар билан ўйнаб кайтқон шўро футболчилари”.

²³ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 20 ноябр № 264 (868), 4 бет. Қуйида: “Маскавда Красна пресна стадиюнида СССР ва Финляндия футболчилари орасида бўлган ўйин”. “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 6 декабр № 278 (882), 3 бет. Қуйида: “Шўро ва Финляндия футболчилари орасида ўйин”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 15 август №186 (1088), 4-бет. Юқорида: “Шўролар иттифоқи - Австрия”. Қуйида: “Австриядан келган ишчи футболчилар қумондаси Маскав стадионларидан бирида Маскав футболчилари билан мусобақа ўтказдилар. Расмда: шу мусобақа ўйинининг борган вақти”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 30 октябр №251 (1153), 1-бет. Қуйида: “Маскавда орихв – зуеф фабрики футболчилари билан Финляндиядан келган футболчилар ўйини”.

²⁴ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 4 октябр № 227 (831), 3 бет. Қуйида: “Ўзбекистон испурт байрамида”. “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 5 октябр № 228 (832), 1 бет. Қуйида: “Ўзбекистон испурт байрамида ёш физкультурчилар”. “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 12 сентябр № 208 (812), 3 бет. Қуйида: “Маскавда физкультурчилар байрамида”.

²⁵ “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 18 июн №136 (1038), 3-бет. Қуйида: “Ўкруғ олимпиядасида”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 19 июн №137 (1039), 3-бет. Юқорида: “Ўкруғ олимпиядаси”. Қуйида: “Учинчи кун”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 21 июн №139 (1041), 1-бет. Қуйида: “Сувга ташлаш мусобақаси”. (Мақоланинг юқорисида “(Мусобақанинг 5 нчи куни)” деб ёзилган). Суратда ўзини анча юқоридан сувга ташлаётган спортчи қуйидан туриб суратга таассурот қолдирадиган тарзда олинган).

²⁶ “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 24 июл №167 (1069) 5-бет. Юқорида: “Бутун Ўзбекистон иккинчи спартакиядаси”. Қуйида: “Бутун Ўзбекистон 2 нчи спартакиядасига қотношқон фарғоналик курашчи полвонлар”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 25 июл №168 (1070), 3-бет. Юқорида: “Ўзбекистон 2 нчи спартакиядаси” мақоласи (очерк). Сурат тагида: “Бутун Ўзбекистон 2 нчи спартакиядасида чопкирликда биринчиликни олган Самарқандлик Кунашбоеф чапда”.

²⁷ “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 19 сентябр №216 (1118), 1-бет. Қуйида: “21 нчи сентябр, жума куни Тошкентда бутун Ўрта Осиё пойгалари бошланади”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 12 октябр №236 (1138) 5-бет. Қуйида: “Лутфулла Хўжаефнинг “учқур” номидаги оти Ўрта Осиё пойгаларида биринчиликни олди. От миниб келган болага ўртоқ Охунбоеф ўн сўм мукофот берди”.

²⁸ “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 20 август №190 (1092), 2-бет. Қуйида: “Фарғона қизлари шашка тўғарагида”.

Тарих ва Жамият илмий журнали

масалалари²⁹, бу соҳа учун тайёрланган кадрлар³⁰, спорт ўйин қоидалари³¹, воситалари³², нишонлари³³ газета суратлари объективида ва изоҳларида кузатилади. 1927-1928 йилларда спортга оид суратлар ичида ҳамон шахмат доскаси сурати етакчилик қилиб, шахмат ўйини усулларини ўргатишга бағишланган 20³⁴ ва 30³⁵ дан ортиқ суратлар берилган. 1929 йилда газета саҳифаларида спорт соҳаларига оид фақат шахматга бағишланган бир неча суратлар келтирилган³⁶. “Қизил Ўзбекистон” газетасида шахмат ўйини усулларини ўргатишга бағишланган суратлар 1930 йилдан берилмай қўйди.

Газета суратлари билан бирга берилган мақолалардан жисмоний тарбия ва спорт масалаларига оид янада батафсил маълумотлар олиш мумкин. Жумладан, “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1927 йил 1 май сонисида чоп этилган “Шоҳмот” мақоласида шаклланиб келаётган шахмат ўйини усталаридан бири ҳақида ҳикоя қилинади. Мақолада иттифоқ миқёсида ўтказилган шахмат мусобақасида ўйин охиригача боришга эришган қўқонлик

²⁹ “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 2 апрел №75 (977) 4 бет. Юқорида: “Никифриф”. Қуйида: “Маскав ишчиларидан ўртоқ Никифриф қишнинг энг совуқ кунларида ҳам сувга чўмилишни ўзига одат қилиб олган. Бунга ўрганликдан у ишлаган вақтида чарчашнинг нима эканлигини билмайди”.

³⁰ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 3 июн № 124 (738) 3 бет. Қуйида: “Маскав бадан тарбия мактабини битириб чиққан инструкторлар”.

³¹ “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 7 июн №127 (1029), 4-бет. Юқорида: “Маданий испуртсиз ўзимизни соғ ва чидам ...” мақоласи. “Футбол фойдаларини ўқингиз. “Қизил Ўзбекистон” идораси ёшларимизда физкултура – спортга ҳавас ортиб борғонлигини кўзда тутиб, бир мунча вақт ичида ўз саҳифаларида умумлашган спорт қоидаларини баён қилмоқчи бўлади. У кун бошлаб футбол (тўп) ўйини хусусида биринчи мақолани босамиз. Ёшлар ва спорт ҳаваскорлари газетамизда ёзилгон қоидаларга мувофиқ муаллимсиз ўз ташаббуслари билан иш бошлаб юборишлари мумкин. Тушунилмаган жойлар бўлса, спорт бўлимимиздан хат орқали сўралса, тегишли жавоб берилур”. Қуйида: “Маскавда футбол майдони”.

³² “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 9 май №103 (1005), 1-бет. Юқорида: “Ёзга ҳозирлик”. Қуйида: “Маскав касабалар шўросининг устахонасида ёзги сув спурти мавсимида ҳозирлик бошланди. Расмда қайиқларнинг матурини тузатиш”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 10 июл №155 (1057), 1-бет. Юқорида: “Ленинградда спорт мавсими”. Қуйида: “Физкултура уюшмаларининг сув спурти кемаларини мусобақага тайёрлайдирлар”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 26 июл №169 (1071), 1-бет. Юқорида: “Ленинградда сув спурти”. Қуйида: “Мусобақага қатнашқон елкан кемалар”. “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 10 апрел №82 (984) 6 бет. Юқорида: “У ёқ бу ёқдан”. “Сакратма машина”. Сурат қуйисида: “Англияда бир спуртчи одамни сакратадурғон машина ўйлаб чиқарғон. Бу машина-пружина оёққа кийилади. Ерга босилғон сари ул кишини осмонга қўтариб ташлайди”.

³³ “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 12 август №183 (1085), 1-бет. Қуйида: “Иттифоқ испартакия аломати”.

³⁴ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил № 1, № 6, № 47, № 96, № 138, № 146, № 152, № 160, № 171, № 176, № 182, № 188, № 194, № 202, № 207, № 212, № 224, № 230, № 242, № 251, № 262, № 271, № 275, № 280, № 287, № 292.

³⁵ “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил №2, №17, №18, №28, №34, №64, №73, №82, №89, №92, №103, №105, №108, №114, №126, №134, №142, №146, №152, №155, №161, №168, №176, №182, №188, №194, №203, №209, №215, №223, №233, №248, №255.

³⁶ “Қизил Ўзбекистон” 1929 йил 13 феврал №36 6-бет. “Қизил Ўзбекистон” 1929 йил 7 июн №130 6-бет. “Қизил Ўзбекистон” 1929 йил 19 июн №166 4-бет.

Тарих ва Жамият илмий журнали

Пўлатхон Саидхонов фақат иттифоқ миқёсида эмас, балки жаҳон шахматчилари қаторига чиқа олишига ишонч билдирилади. Мақолада Москвада ўтказилиб биринчи апрелда тамом бўлган бутун иттифоқ касаба хизматчиларининг шахмат мусобақасида иттифоқдаги 17 союздан келган 47 вакил ўрта ҳам кучлилар гуруҳига бўлиниб, кучлилар гуруҳида 12 киши, ўрта гуруҳда 35 киши иштирок этгани, мусобақага Ўзбекистондан Вайнштайн (Тошкент) ҳам Пўлатхон Саидхонов (Қўқон) вакил бўлиб боргани, Вайнштайн биринчи галдаёқ ютқазиб ўйиндан чиқиб кетгани, ўйиннинг охиригача 8 киши давом қилиб, уларнинг ичида П.Саидхонов ҳам бўлгани таъкидланади³⁷.

Газета суратлари ва мақолаларида, шунингдек, соҳага оид муаммоларга ҳам эътибор қаратилади. “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1927 йил 10 май сонидида берилган мақолада спорт, бадан тарбия жуда фойдали бўлиб, уларнинг ерли аҳоли орасида яхши оммалашмаганлиги, билим юртлари ўқувчиларининг яқинда бўлиб ўтган спорт мусобақасида ўзбек студентларининг спортдан жуда кейинда қолганликлари билинганлиги³⁸ қайд этилади. Ўзбек меҳнаткашларининг спортда анча ортда эканлиги таъкидланган бир сурат изоҳида ёздан, қуёшдан, ҳаводан, сувдан вақтида фойдаланиб қолишга даъват этилган³⁹, бошқаларида спорт борасида чет эл билан мусобақалар олдида масъулият билан шуғулланишга чорланган⁴⁰, эски шаҳарлар ҳамон стадионларга эга эмаслиги қайд этилган⁴¹.

Газета суратлари воситасида Ўзбекистон ёки иттифоқ миқёсидаги спортчилар, мамлакатларда оммалашиб бораётган спорт турлари, иттифоқ

³⁷ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 1 май № 96 (710), 4 бет. “Шоҳмот” мақоласи.

³⁸ “Қизил Ўзбекистон” 1927 йил 10 май № 103 (717), 4 бет. “Қўллар қайиқ эшгагига!” мақоласи.

³⁹ “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 15 май №108 (1010) 5-бет. Юқорида: “Ёздан фойдаланиб қолингиз!”. Қуйида: “Ўзбек меҳнаткашлари орасида спорт-физкультураси жуда орқада қолгон. Бундай ачинарлик ҳолнинг бўлиши мумкин эмас. Ҳозирги вазифамиз ёздан, қуёшдан, ҳаводан, сувдан вақтида хўб фойдаланиб қолишдир”. (Суратда баскетбол ўйинида тўпни саватга ташлаш жараёнида баравар ва баланд сакраган бир неча спортчи тасвирланган).

⁴⁰ “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 18 январ №15 (917) 3 бет. Юқорида: “Физкультурачилар қулоғига”. Қуйида: “Боҳор яқинлашди – жамиятнинг энг соғ ва зўр ишчиси бўлмоқ учун боҳорга тайёрланингиз. Физкультурда ўзбеклар бултур совуққонлик кўрсатдилар. Бу йил уни битириш керак. Олдимизда чет эл меҳнаткаш спортчилари билан борди – келди қилиш каби муҳим вазифалар туради”.

⁴¹ “Қизил Ўзбекистон” 1928 йил 20 апрел №89 (991), 2 бет. Юқорида: “Янги турмуш соғ йигитларни талаб қилади”. Қуйида: “Бу “Ким” истидиони очилади. Эски шаҳарлар қачон стадионга эга бўлар эканлар?”.

Тарих ва Жамият илмий журнали

футболчиларининг Норвегия, Финландия, Германия, Австрия сингари хорижий давлат спортчилари билан ўйинлари, шунингдек, аҳоли орасидан спортчиларни шакллантириш, бадантарбияни колхоз ва совхозларда ҳам оммалаштириш шиорлари, Ўзбекистонда спортни ривожлантириш билан боғлиқ айрим муаммолар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Газета суратларида Ўзбекистондаги жисмоний тарбия ҳаракати тарихидаги муҳим воқеалар: Тошкентда 1927 йилда I Бутунўзбек, 1928 йилда II Бутунўзбек, 1928 йилда Тошкент округ олимпиадасининг ўтказилиши кабилар ўзининг жонли инъикосини топди. Бундай тадбирлар ҳақидаги хабарлар, мақолалар ҳамда суратлар биргаликда воқеанинг анчайин аниқ ва батафсил манзарасини ҳосил қилади.

1917 йил октябридан сўнг болшевиклар ҳукумати томонидан спорт ва жисмоний тарбия ишлари марказлаштирила борди. Совет жисмоний маданияти худудий даражаларда режалаштирилган, маблағлаштирилган ва ташкиллаштирилган эди. Совет ҳукумати дастлаб спорт ва жисмоний тарбия масалаларига ҳарбий соҳани кадрлар билан таъминлашнинг бир йўналиши сифатида эътибор қаратди. Спорт клуби ишларига, жисмоний тарбия машғулотларига қизлар ҳам жалб этила борди. Спортнинг асосий вазифаси иттифоқ иқтисодиёти ва армияси учун соғлом ва фаол фуқароларни тарбиялаш эди. Совет жисмоний маданияти фуқароларнинг советча социаллашуви ва давлат қурилишининг, муҳофафасини мустаҳкамлашнинг бир қисми эди. Хусусан, ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спорт уларни бирлаштириш ва қизиқтириш асносида жамоавийликни тарбиялаш кўринишида олиб борилган.